



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

# ЎТМИШГА НАЗАР

5 ЖИЛД, 12 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 5, НОМЕР 12

LOOK TO THE PAST

VOLUME 5, ISSUE 12



ТОШКЕНТ-2022

**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Муртазаева Рахбар Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

## ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**  
тарих фанлари доктори,  
профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бобожонова Дилором Бобожонова**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари  
университети

**Юнусова Хуршида Эркиновна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Кебадзе Мадонна**  
тарих фанлари доктори,  
Телави давлат университети

**Аширов Адхам Азимбаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Агзамова Гулчеҳра Азизовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Бурдиашвили Майя**  
тарих фанлари доктори,  
Телави давлат университети

**Кожакеева Ляззат Темировна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Хотин-қизлар давлат педагогика  
университети

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**  
тарих фанлари доктори,  
Тошкент кимё - технология институти

**Дорошенко Татьяна Ивановна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон давлат жаҳон  
тиллари университети

**Ширванова Тарана Амирага кызы**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Азербайжон давлат  
иқтисодиёт университети

**Гофоров Шокир Сафарович**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Самарқанд давлат университети

**Эргашева Юлдуз Алимовна**  
Тарих фанлари доктори, профессор,  
Қариши муҳандислик-иқтисодиёт  
институти

**Теймураз Ахалмосулишвили**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Телави давлат университети

**Халикова Рахбар Эргашевна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Тошкент давлат техника университети

**Ишанходжаева Замира Райимовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Эшов Боходир Жўраевич**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Қариши давлат университети

**Махкамova Надира Раҳмановна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Тошкент ахборот технологиялари  
университети

**Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Нукус давлат педагогика институти

**Мустафаева Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари доктори  
Ўзбекистон Фанлар академияси

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Джоробекова Айнуэр Эшимбековна**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Қозоғистон дипломатия академияси

**Раҳмонкулова Зумрад Бойхуразовна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Расулов Абдуллажон Нуриддинович**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Наманган давлат университети

**Ковалев Борис Николаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Санкт-Петербургда Тарих институти

**Кобзева Ольга Петровна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Ауанасова Алима Мусировна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Қозоғистон давлат тарихи институти

**Бегалинова Калимаш Капсамаровна**  
фалсафа фанлари доктори, профессор,  
Қозоғистон Миллий университети

**Хайдаров Муродилла Махмудалиевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Алнева Лале**  
тарих фанлари доктори,  
Озарбайжон давлат университети

**Сайнова Камола Давляталиевна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети


**Исмаилова Алмаз**  
тарих фанлари доктори,  
Догистон мустақил университети

**Иноятова Диларам Маниглиевна**  
Тарих фанлари доктори (DSc)  
Ўзбекистон Миллий университети

**Одилов Аброр Анварович**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Толибоева Нодира Одилжоновна**  
Тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), Ўзбекистон жаҳон  
тиллари университети


<b>1. Ольга Кобзева, Нодирабегим Ваисова</b> ЎРТА АСРЛАРДА ХИТОЙДА СУҒД МАДАНИЯТИ.....	4
<b>2. Фуркат Бозоров</b> БУГУНГИ КУН ЎЗБЕК ФИЛЬМЛАРИНИНГ ТАСВИРИЙ ЕЧИМИ.....	12
<b>3. Муслима Базарова</b> ПАРАЛИМПИАЧИ ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН СПОРТИ РИВОЖИДАГИ РОЛИ.....	16
<b>4. Бахтиёр Болтабаев</b> XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДА САЙЛОВ ТИЗИМИДАГИ МУАММО ВА КАМЧИЛИКЛАР.....	23
<b>5. Гулчеҳра Султанова</b> СУРАТГА МУҲРЛАНГАН ТАРИХ: ХИВАЛИК УСТАЛАР.....	27
<b>6. Холмамат Раупов</b> МУРУНТОВ – ЖАҲОННИНГ НОЁБ ЖАВОҲИРИ.....	33
<b>7. Саламат Сулайманов</b> XX АСР БОШИДА АМУДАРЁ СУВ ЙЎЛИ ТАРИХИДАН.....	39
<b>8. Ислом Қаршиев</b> XVII-XVIII АСРЛАР МАРКАЗИЙ ОСИЁ МУТАФАККИРЛАРИ АСАРЛАРИДА ТАСАВВУФИЙ-ИРФОНИЙ ҒОЯЛАРНИНГ ГУМАНИСТИК МОҲИЯТИ (СЎФИ ОЛЛОЁР, ҲУВАЙДО АСАРЛАРИ АСОСИДА).....	46
<b>9. Манзура Хасанова</b> ФАРҒОНА ВОДИЙСИНИНГ ТАРИХИЙ ВА МАДАНИЙ МЕРОСИ ТАРИХИЙ РЕТРОСПЕКТИВАДА.....	53
<b>10. Бахромжон Хайназаров</b> ТУРКИСТОН ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОРЛИГИДА АҲОЛИНИНГ ЭТНИК КЛАССИФИКАЦИЯСИ ТАРИХИДАН.....	60
<b>11. Нодира Раджабова</b> “МАВРИГИ”ЛАР БУҲОРО ҚЎШИҚЧИЛИК САНЪАТИНИНГ НОДИР НАМУНАСИ СИФАТИДА.....	65
<b>12. Юлдуз Холхужаева</b> САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ АҲОЛИСИНИНГ МИЛЛИЙ ТАРКИБИ РУС МАНБАЛАРИДА (XIX АСР II-ЯРМИ).....	73



**Фуркат Бозоров,**  
катта ўқитувчи,  
Камолиддин Бехзод номидаги Миллий  
рассомлик ва дизайн институти

## БУГУНГИ КУН ЎЗБЕК ФИЛЬМЛАРИНИНГ ТАСВИРИЙ ЕЧИМИ

**For citation:** Furkat Bozorov, PAINTING SOLUTION OF MODERN UZBEK FILMS. Look to the past. 2022, vol. 5, issue 12, pp.12-15

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.7482921>

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада кино санъатининг яратилиши тарихи, шунингдек, фильмларнинг тасвирий ечими, яъни суратга олинаётган фильм ва телефильмларнинг ғояси ва мазмунини очиб берувчи, аниқроқ қилиб айтганда, фильмларни умумий гаммасини, колоритини ёритиб берадиган киноэскизлар, раскадровкалар, экспликациялар ва декорациялар ҳамда уларнинг кинофильм яратилишидаги аҳамияти, фильмнинг тасвирий ечими қанчалик даражада аниқ, равшан ва бадиий очиб берилса унинг муваффақияти шу даражада юқори ва оммабоп бўлиши ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилган.

**Калит сўзлар:** кино санъати, тарих, фильм, тасвирий ечим, умумий гамма, колорит, киноэскиз, раскадровка, экспликация, декорация.

---

**Фуркат Бозоров,**  
старший преподаватель,  
Национальный институт художеств и дизайна  
имени Камолиддина Бехзода

## ИЗОБРАЗИТЕЛЬНОЕ РЕШЕНИЕ СОВРЕМЕННЫХ УЗБЕКСКИХ ФИЛЬМОВ

### АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматривается история создания киноискусства, а также визуальное решение фильмов, то есть понятие кинозарисовок, зарисовок, пояснений и декораций, раскрывающих идею и содержание кино- и телефильмов, а конкретнее, освещающие общую гамму и колорит фильмов, речь идет также и об их значении в создании фильма. Высказывается мнение, что чем четче, яснее и артистичнее будет визуальное решение фильма, тем выше будет его успех и популярность.

**Ключевые слова:** киноискусство, история, фильм, визуальное решение, общая гамма, цвет, киноэтюд, скетчинг, пояснение, декорация.

Furkat Bozorov,  
Senior Lecturer,  
National Institute arts and design  
named after Kamoliddin Behzod

## PAINTING SOLUTION OF MODERN UZBEK FILMS

### ABSTRACT

This article comments on the history of the creation of cinematography, as well as an understanding of the pictorial solution of films, that is, film sketches, sketches, explanations and scenery that reveal the idea and content of films and television films being shot, more precisely, which illuminate the general color of films, and their significance in creating a film, were expressed the opinion that the clearer and more artistic the visual solution of the film is, the higher its success and popularity will be.

**Index Terms:** cinematography, history, film, visual solution, general gamut, color, film sketch, sketching, explanation, scenery.

*«Фильмни суратга олиш кийин иш.  
Аммо баъзида кадрланмайди»*

### 1. Долзарблиги:

Кино санъатининг тарихи ака-ука Люмьерлар – Огюст Луи Люмьер (1862-1954) ва Жан Луи Люмьер(1864-1948) билан бошланади. Чунки илк бор киноматография тарихида ака-ука Люмьерлар қисқа метражли фильмни суратга олишган. Бу фильм 1895 йил, 28 декабрь санасида оммага ҳавола этилган. Фильм номи «Ла-Сьота вокзалига поезднинг келиши» деб номланган. Ушбу фильмни кўрган инсонлар ҳайратдан қотиб қолишган, баъзилари гўёки поезд экрандан чиқиб келади деган ҳаёлда кўрқиб залдан қочиб чиқиб кетишган.

Биз бу ўтмишни, яъни тарихий фактларни бекорга эсламадик, сабаби ўша илк бор ака-ука Люмьерлар олган фильм қисқа бўлишига қарамай, кўп жиҳатдан мукамал ва аниқ ишланган эди. Ҳозирги кунгача кўплаб кинолар ишланди ва ишланмоқда. Биз бугун кино санъатини бошқа бир жиҳати яъни тасвирий ечими тўғрисида мулоҳаза юритамиз.

### 2. Методлар:

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар – тарихийлик, қиёсий-мантикий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, унда бугунги кун ўзбек фильмларининг тасвирий ечими бўйича фикр-мулоҳаза ва маълумотлар ёритилган.

### 3. Тадқиқот натижалари:

Фильмларнинг тасвирий ечими дейилганда, суратга олинаётган фильм ва телефильмларнинг ғояси ва мазмунини очиб берувчи, аниқроқ қилиб айтганда фильмларни умумий гаммасини колоритини ёритиб берадиган кино эскизлар, раскадровкалар, экспликациялар ва декорациялар тушунилади. Ушбу вазибалар кинорассом томонидан бажарилади. Фильмни ечимини очиб беришда яна кўплаб материаллардан фойдаланилади. Жумладан: реквизит (кино учун буюм ва жиҳозлар), костюмлар қиради.

Фильмни тасвирий ечими қанчалик даражада аниқ, равшан ва бадиий очиб берилса унинг муваффақияти шу даражада юқори ва оммабоп булади.

Бугунги кун ўзбек киноси ҳақида гапирсак, тарихдан биламизки ўзбек киноматографияси узига хос йуналиши билан, ўзбек миллий менталитетини очиб берувчи фильмлар яратилган. Мисол тариқасида: «Маҳаллада дув-дув гап», «Келинлар кўзғолони», «Шум бола», «Чинор остидаги дуэл», «Ёдгор», «Суюнчи», «Тошкент нон шаҳри», «Сен етим эмассан», «Оловли йўллар», «Насриддан Бухорода», «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён» ва шунга ўхшаш кўплаб ажойиб фильмларни келтиришимиз мумкин. Ушбу фильмларни оммабоп ва аншлаб даражасида бўлишига асосий сабаб, фильмдаги ҳар бир ижодкор ўз ишини усталик билан ижро этган.

Яна бир фильм Комил Ёрматовнинг «Алишер Навоий» фильми тасвирий ечими жиҳатидан мукамал саналади. Варшам Никитович ушбу фильмнинг саҳналаштирувчи рассоми эди.

Варшам Еремян эскизи асосида баъзи безакли қурилмалар барпо этилгач, қадимий масжид ҳовлиси бир пайтдаги сингари шоирлар мушоира уюштириб, адабиёт ва маънавият тўғрисида қизгин баҳс-мунозара ўтказган «шоирлар боғи» тусини олди. Кўкка бўй чўзган шохлари бутун ҳовли узра соя солган асрий чинор, унинг булоқ сувларида кўриниб, ҳар томонга ёйилган илдизлари, кошинларига турли нақшлар ва араб ёзувидаги Қуръон оятлари битилган девор, байрамона либосдаги кишилар, баланд минбарда уларга қараб шеър ўқиётган Раззоқ Ҳамроев (Алишер Навоий роли ижрочиси) барчасини кинооператор Михаил Краснянский ўзаро уйғунлаштирганки, натижада, экранда нафақат чиройли манзара, балки жуда таъсирчан эпизод вужудга келган. Режиссёр, актёр, рассом ва операторнинг маҳорати мужассамлашган «шоирлар боғи»ни танқидчилар ҳам алоҳида эътироф этишди[1].

Миллий урф одатларимиз фильмнинг ҳар бир кадрида яққол сезилиб туради. Фильмларнинг тасвирий ечими ҳам юқори даражада ишланган. Масалан, ҳар бир фильмда кўрилган декорациялар, ўша фильмни ғоя ва мазмунини очиб бериш учун хизмат қилади.

Бугунги кунда ҳам бу анъана давом этиб келмоқда. Яъни ўзбек киноси ривожланиб янгидан янги фильмлар яратилмоқда. Бунга: Аюб Шаҳобиддиновнинг «Ўтов» фильми, Ёрқин Тўйчиевнинг «Афғон», «Илова», Зулфиқор Мусоқовнинг «Ватан», «Қўрғошин» ва шу каби бир қатор фильмларни мисол қилиб келтириб ўтишимиз мумкин. Бугунги кун кино ижодкорларининг ижодидаги маъсулияти шундаки, ҳозирда рақобатлашув жараёнида ҳам томошабин, ҳам давр талабидан келиб чиқиб кинолар яратилмоқда.

Киноларимизнинг ютуқларга эришиши фақат Ўзбекистон ҳудудида эмас балки жаҳон миқёсида ҳам кўпқабатли ютуқларга эришиб келмоқда. Мисол тарзида: Ёрқин Тўйчиевнинг «Илова» фильми 2010 – 2011 йиллари Францияда «Энг яхши фильм» ва «Гран при»га муносиб топилди. Бу албатта ўзбек киносининг ютуғи ва фахридир.

Ҳар бир соҳада ютуқ ва камчиликлар бўлгани каби, ўзбек киносининг ҳам етарлича камчиликлари кўзга ташланиб келмоқда. Жумладан, фильмларимизда декорациялар жуда кам ишлатилмоқда, ишлатилганлари ҳам фильмнинг мазмун- моҳиятини очишда ҳеч қандай роль ўйнамаяпти.

Фильмларимизда кинорассом тушунчаси борган сари йўқолиб бораётгани жуда ачинарли ҳол. Мана шу биргина муаммо ўз-ўзидан кўплаб муаммоларни келтириб чиқармоқда. Кадрларда бадий бўшлиқлар яққол сезилмоқда. Баъзида либосларни ҳам кино қаҳрамонларга нотўғри танланганини гувоҳи бўламиз. Бу муаммолар фильмларнинг тасвирий ечимини очиб беришда салбий таъсир кўрсатади.

Юқоридаги муаммоларни бартараф этиш учун бугунги кунда нималарга эътибор беришимиз лозим. Биринчидан, ҳар бир фильмда ижодкорлар ўз вазифасида ишлаши лозим. Яъни фильм олиш жараёнида оператор, режиссёр, рассом, актёр, гримёр, чироқ устаси ва ҳоказо ўз маъсулиятини сезган ҳолда бир гуруҳ бўлиб ишлаши шарт ва лозим.

Киноларимизда декорациялар масаласига алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Декорацияларни кино учун муҳимлиги шундаки, суратга олинаётган фильмда ўша давр ҳолатини очиб бериш учун ишлатилади. Ҳолбуки, бу ҳолат бўлмас экан кино ва телефильмларимиз гўёки тузсиз таом сингари саналади.

Фильмларни тасвирий ечимини очиб беришда яна бир нарса муҳимки, у бугунги кун ўзбек киносида умуман назардан четда қолган. Бу кинорассомлар томонидан фильм учун яратиладиган эскизлар ва экспликациялардир. Бу камчиликлар тузатилмас экан, яратилаётган фильмларимиз суяксиз танадек булиб қолаверади. Демак шу сабабли кинорассомларимиз ҳар бир ишлаётган фильмлари учун эскиз ва экспликациялар ишлашлари шарт.

#### **4. Хулосалар:**

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ҳар бир фильм ижодкорлари ўз ўрнида ишламас экан, киноларимиз фақатгина ўзимизни ҳудудгагина мос бўлиб, аудиторияси кичик фильмлар саналади. Яна бир муҳим жиҳат фильмларнинг тасвирий ечимига алоҳида эътибор беришимиз

керак. Сценарий қанчалик оммабоп ва мукаммал бўлмасин агарда ижрода яъни суратга олиш жараёнида эътиборсиз, машаққатсиз ишланса у фильм савиясиз фильмлар рўйхатидан ўрин эгаллайди. Фильм қачон муваффақиятларга эришади, қачонки фильм ижодкорлари ўз касбининг мохир усталари бўлса ва жонқуярлари бўлса. Шу ўринда савол туғилади юқорида кўп бора кино санъати деган иборани келтирдик. Нима учун кино бу – санъат балки фан эмас? Чунки фанда  $2+2=4$  бу кинода 6 ёки 9 ҳам бўлиши мумкин. Оддийроқ ва тушунарлироқ қилиб айтганда, кинода кетмон ёки лаганни ҳам ўчириш мумкин. Фанда эса йўқ! Фанда ҳамма нарса конкрет ечимда. Масала, мисол, тенглама хуллас ҳисоб китоб... Демокчи бўлганимиз кино орзулар ва туйғулар мажмуидан яралади. Кинода реал ҳаётдан йироқ воқеликлар яратилади. Менинг назаримда бунинг барчаси инсонларни эзгуликка етаклаш учун хизмат қилади.

### Иқтибослар/Сноски/References:

1. Аминов Х.Р. Фильмнинг тасвирий ечими. – Тошкент, 2011.
2. Ортиқов А. Кино композиция. – Т.: Info Capital Group, 2018.
3. Роль художника-постановщика в создании кинофильма. Р. Шеметова. – С-П, 2013.
4. Елена Елисеева. Профессия: художник кино. – М-ВГИК, 2017.
5. Ibraymov Sh. Kino kompozitsiyasi. – Ташкент, 2021
6. Ахмедходжаева Ф. Кинога бағишланган умр. – Тошкент, 2021
7. Рашид Маликов: узбекское кино должно бороться за зрителя// <https://nuz.uz/intervyu/1174214-rashid-malikov-uzbekskoe-kino-dolzno-borotsya-za-zritelya-i-ne-sidet-na-shee-gosudarstva.html>
8. Особенности узбекского современного кино// <https://www.infpol.ru/211267-osobennosti-uzbekskogo-sovremennogo-kino/>
9. «Санъат» журнали 1/2010
10. Золотая коллекция: узбекские фильмы прошлого столетия// <https://anons.uz/ru/news/zolotaya-kolleksiya-uzbekskie-filmi-proshlogo-stoletiya-2020-05-05/>
11. Новые горизонты национального кино Узбекистана// <https://sanat.orexca.com/2016/2012-2-2016/novy-e-gorizonty-natsional-nogo-kino-uzbekistana/>
12. Меликузиев, И. М. История и развитие узбекского искусства кино / И. М. Меликузиев, Э. С. Юлдашев. — Текст : непосредственный // Молодой ученый. — 2016. — № 19 (123). — С. 561-564. — URL: <https://moluch.ru/archive/123/33720/> (дата обращения: 25.11.2022)// <https://moluch.ru/archive/123/33720/>
13. Алимов Т. По следам любимых героев фильмы, которые снимали в Узбекистане// <https://turi-uzbekistana.ru/stati/films-travel-uzbekistan-td>
14. Сарвар каримов: киноиндустрия в Узбекистане находится в состоянии застоя// <https://themag.uz/post/sarvar-karimov>
15. О проблемах узбекского кинопроизводства, или Почему в Узбекистане не снимают качественное кино// <https://www.podrobno.uz/cat/calche/o-problemakh-uzbeksko/>
16. Малышев В. Кинематограф и театр, искусство// <https://iknigi.net/avtor-vladimir-malyshev/175709-kinematograf-uzbekistana-i-vgik-vladimir-malyshev/read/page-1.html>

# ЎТМИШГА НАЗАР

5 ЖИЛД, 12 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 5, НОМЕР 12

LOOK TO THE PAST

VOLUME 5, ISSUE 12

Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000